



Шаллақи (Қодирий)



Халқда бир макол бор: «Ўғри кулиб енггар, гар йиглаб.» Шунга ўхшаш ўрток Гози Юнус ҳам шаллакилик билан енгмакчи!

Ўкумаган бўлсангиз «Кизил Ўзбекистон»нинг 193-нчи сонидан «Муштум» деган сарлавха тегини кўриб чиқингизда ундан сўнг ўшани 201-нчи сонидаги «Танкидми, тош отиш» мустазодига(Мустазод — илова.) солишдирингиз!

Кизик гап: «Мен нима дейману эшагим нима дейди?» деган экан бир бечора!

Мен мўътабар Гози Юнусдан бунчалик таназзул кутмаган эдим. Тузук, куткан эдим: салмоглик жавоб, саноглик мулохаза! Наинки тутканда тутдек тўкилиб, ютканда йўкдек

сафсата.

Муддаъининг (Муддаъи — даъвогар) даъвосича демагогиядан (Демогиогия — сафсата) соф, юмрукка (Юмрук — мушт.) ёпишмоқдан холи бўлган бу баённомани ўқуганда дафъатан жавоб бериб ўлтуришни каламим учун эмас, кимматлик ва мукаддас газета саҳифасига, ундан кейин ўқугучилар вақтига хайф билган эдим. Бирок Мулла Гозининг бу падарона тараххумномасининг (Падарона тараххум — оталарча меҳрибонлик) фожиаи алимасига (Фожиаи алима — аламли фожиа) дафъатан тушунгучи ахли басират (Ахли басират — ўткир кўзли, сезгир одамлар) бармоқ билан санарлик, аммо курбон бўлгучи ёш-ялан аксарият эди. Ана шу кўбчиликни мулоҳаза қилиб яна жавоб бериш фикрига келдим.

Жавобдан илгари бир оз кейинга қайтайлик: мен ёзганда сарлавҳа остига «танкид» деган гапни туширдим. Чунки муддаъининг ҳақиқат кўзи бир оз оксаганини ва елмай-югурмай демагогия, деб бақаришини билар эдим. Ҳақиқатан шундай бўлиб чиқдида, ахир!

Матбуоткагина эмас, ҳаётнинг ҳар бир кўчасига кириб юргучи ва аксар ўз сўзини ўтказгучи «танкид» отлик чапаннама бир махлук бор. Бу махлукнинг холики ҳаётнинг ўзи ва лекин отасига йўлбошчилик қилади. Чунки ҳаётнинг узок муддатлик тажрибалари ва аксар хатолари ана шу ўз сўзлик, аччиғ тиллик нафсоният, гараз ва шахсият оғрикларидан тоза «танкид» маҳдумни тугдиргандир. Ҳаётни янғидан янги муваффақиятларга судрагучи, маърифат деган муаммонинг калиди, маданият дунёсининг бешиги ана шу «танкид»дир. Мен танкидни шу маънода тушуниб бирнеча йиллик ярим-ёрти тажрибаларим устига ва ўша тўғрилардаги назариётлар асосига (тўғрими, эғрими, лекин холисона) маълум фикрлиримни тердим. Лекин Гози Юнус ўрток «танкид» истилоҳини бошқа маънода юритиб келган бўлса керак, ҳесиз ва бесиз кишини ковок арига чакдирмоқчи (Биров орқали жабр бермоқ.), шиш устини «тибби Юсуфий»нинг кенгашича қора балчик билан чапиб яна нахс босдирмоқчи бўладир... Танкидга бир нима демасдан туриб лўли кўчасига кириб кетади: «Ҳа, Жулқунбойга тарелка тута-тута (Тарелка тутмоқ — лаганбардорлик, ялинмоқ.) тарелкаларим синиб кетти, сахарнинг бир бурчагидаги ховлисига катнай-катнай кавшимизнинг чакаги йиртилди...» дейди. Ўйлаб кўрилсин, бу нима деган маънисизлик? Бу сўз замирига нимани яширмакчи? Агар мақсад: «Жулқунбой келса журнал яхши бўлар эди», бўлса қамоли эҳтиром билан айтаманким, буни кимга ўқидрган бўлса ҳам шайтоннинг уйи ёнсин!

23-нчи йилнинг феввалида шекиллик, «Туркистон» газетасига ўрток Абдулхай Тожи муҳаррир белгиланди ва шу ўрток бир қулқи журнали чикарингиз, деб мен билан Гозини чақирди. (Бу вақтда Гози газетанинг мудир эди), биз иков ишга киришдик-да, натижада саккиз сонча «Муштум» чиқди. Шу ўртада Абдулхай газетадан кетди, унинг кетиши билан (идоранинг оқчасизлигидан бўлса керак) мен ҳам ишдан озод қилиндим. Журналга четдан ёрдам бергучи, яъни озод ёзишгучи сифатида кирдим. Маълумки, ҳар бир кишининг (жумладан Гозини ҳам) ўзига яраша даҳмазаси бўладир ҳам томогинг қаердан тўйса ўша жойнинг ашуласини айтишқа тила, тилама мажбур қоласан. Шунга ўхшаш мен ҳам баъзи идоралардан иш олиб, эртадан-кечкача матбаада ишлай бошладимки, Гозининг кўзи юмилган эмас, аммо шунда ҳам «Муштум»ни унутмадим, масалан Гози бўлмаган вақтларда баъзи сонларни ўзим чиқардим ва биринчи йилнинг 15-нчи сонидан бошлаб то 35-нчи сонгача давом эткан «Қалвак маҳдум хотираси» ва бошқалар уста Гози айтқандек, тарелка ва ялинишлар натижаси эмас, маҳзи (Маҳз — факат) самимият

тўлкинидир. Заказ ва тарелка билан айникса таълифотда (Таълифот — асар ёзиш.) бир иш чиқариб бўладир, деса номаъкул бузокнинг гўштини есин, Гози! Тарелка каердан келар экан, деб каламингни йўниб ўлтурсанг мешдек шишиб ўласан, садага!

Энди Гозининг шалок жавобига ўтайин:

— Гози «олимус-сирри-валхафиётдир»(Олимус-сирри-валхафиёт — ошкора ва махфий нарсалардан хабардор, билувчи, бу хусус факат Оллохгагина хосдир.), чунки Жулкунбойнинг унга очик белгилик бўлган бир сирри бор! Ўзи хўб яхши биладир. Аммо хозирча очмайдир. Негаки, бу сир Жулкун кўрқокни чўчитиб, тилини кисик килиши учун кўб мужарраб(Мужарраб — синалаётган, текширилаётган) доридир. Хой, мулла Гози! «Мард бўлсанг майдонда хангра!» деган гапни эшитканингиз борми? Ахир юракка жуда ёмон ваҳма солдингиз-ку? Диндор демакчимисиз, миллатчи дейсизми? Нима ахир? Агар факат сизгагина маълум бўлган факирнинг мудхиш максадим шу иккининг бири бўлса яна карнайчига яхтак-иштон йўқдир(Илгари карнай-сурнайчига тўйдан кейин тугунда сарпа берилган.). Отингизни бу ердан «чух» денгки коровулнинг кураги бўш эмас!(Бу кочириб ибора: сиз кўтарган масала (от) — матбуот майдонини ифлос қилади, уни

тозалашга вақтимиз йўқ, мазмунида.)

Бўш вақтингиз бўлса, ўткан асрда эмас, шу 20-нчи асрнинг 20-нчи йилида нашр қилинган асари ожизонангиздаги «хамд»ни ўқингиз:

«Хамд айтарман йиглаб-йиглаб худойимга

Тўкиб ёшим роз айтарман Оллохимга

Жоним бирла наът айтурман расулиллох

Хабибингни хурматидан бергил панох».

(«Турма хотираси». Гози Юнус асари)

Гози Юнус дабдурустдан кишини элаб ташлайдир: «Муштум»нинг мавзуи бир, дейсан; бунга исботинг қани?» — дегач «йўқ, бу демагогия», деб хукм хам бериб кўядир. Ўша 20-нчи йилда хамдни айтканингизнинг хурматига кўзингизни каттарок очиб лоакал 13-нчи сон «Муштум»ни бир кўздан кечирингда, мавзуларни бир-бирига чакишдилингиз ва ундан кейин гўлдираш воқиъ бўлмаса жавоб берингиз! Кундуз қуни чарог кўтаришдан безорманки, бу максадим хам сизга маълум!

Гози Юнус ажойиб бир тил олимидир. Ўзининг даъвосига тўғрилаб тил коидалари хам тузадир: «Муштум»да жиддий танкидлар хам бўлаберадир. Устида хам сиёсий, ижтимоий, танкидий, деб ёзилган», дейдир. Дуруст, шундай дейилган. Бирок шу тавсифлар кетига уланган «кулки журнали» хабарига нима дейсиз? Мундан чикдики, сизнинг тил коидангизда «сиёсий кулки, ижтимоий кулки, танкидий кулки» деб ёзилмоғи керак экан-да?! Агарда шу даъвонгиз дуруст бўлса, нега шу чоккача на сиёсатдан ва на танкид ва ижтимоиётдан бирорта макола ёзиб ўқугучиларни сероб қилмадингиз? — Хакикатдан қочиб, тилга янги коидалар тузиш разолатдир, ўрток!

Гози Юнус ўзини кўруглашда танходир. Мен: «атроф ёзишгучиларини тўғри йўлга соллмади», деб ўткан маколамда ёзган эдим. Лекин бу сўз ўрток Гозининг уста сиёсатига қурол бўлаёзибди. Шундоғки, бир неча янги ёзабошлаган ёшларни бағрига босиб: «ануни қара, санларни фалон деяпти-я!» демакчи ва ўзининг соясидан хуркиб «ўғри!» деб бакирмоқчи, содалавхларни (Соддалавх — гўл) ишдан қўймоқчи! Аммо шу ёш каламларнинг хомийси бўлиб кўринган Гози, ўз бағрига олганларнинг бири ўрток «Пайтава кош»ни раҳмсиз суратда ўз манфаатига қурбон қилиб айтадир: «Пайтава кош»ка ишлаш учун берилган материаллар бир оз тузини йўқотадир!» Гозининг бу

холини ўқугучилар мухокамасига бериб, мен ўз томонидан бундай дейман: агар сиз китоб сўзига ишонсангиз виждонингизнинг сал обияти (Обият — сув, камаймок мазмунида.) кочибдир!...

Гози Юнус ўзининг жахлига мункирдир(Мункир — инкор этувчи.), аммо жаҳолати кавийлашканда(Кавий — кучаймок, жўшмок, кувватланмок.) тешиб чикиб хўжасини шарманда киладир. Мен «сўзда иктисодсизлик», деб «Муштум»нинг ниҳоятда серсўз ва кам маъно эканини мурод туткан эдим. Мулла Гози бўлса «иктисодсизлик» замирида тилимизнинг ишланмаганини, услубсизликни ва тагин алланима балоларни кўрсата келиб: «бу кун имлочиларнинг хар бири бир бошка имло билан ёзганда бир жумла сўзни ўн киши ўн хил тузадир», деб ўзини кулги бир холга кўядир. Сизга муаллимлик килолмайманку, бироқ, айтиб ўтаман: бир жумла сўзни албатта ўн киши ўн хил тузадир. Сиз бунга бир хил ёзмайди, деб айтмангки, уят. Агар қабул килсангиз бир маънони онглаткан бир жумлани ўн киши тарафидан ўн турлик ёзилиши сиз айткан имлонинг тузалишига ҳеч бир вақт қарамайдурган табиъий бир қонундир. Имло тузалгач, кишилар бир тус, бир сурат ва бир бўйда тугиладилар, деб қутиш айниқса сизга — Гози Юнусга келишмайдир... Бунчалик ҳам ўзингизни, ҳам бошқани овора қилиб ўлтургандан билмаган масалангизга сукут килсангиз нима бўлар эди. Ва шу кизганч (Кизганч — ачинарли.) холингиз устига «кўб кеккаяберма!» деб тумшук чўзишдан уялмадингизми?

Гози ўзи майдонга чиқарган ихтиродан ҳам тонмокка мохирдир. Мен «Муштум»дан айнан кўчириб айтаман! «Рад бўлинг, фалагимизга тушкан шунгиялар!» дейсиз. «Бу тўгри эмаску», деб Гози қарайдики, ҳақиқатан иш чаток! Шундан сўнг: «деҳқонлар ҳам палагимиздан шунгия чиқди, демасдан, палагимизни шунгия бости, деб айтадилар» дейди ва елмай югурмай «тушкан» сўзни «бости»га алмашдириб кўядир-да, майдонда ёткан ўн минг нусха «Муштум»даги «тушкан» сўзини «бости»га оғдариб чиқишга вақт тополмайдир...

Эзмалик бўлса ҳам яна бир тўгрида Гози айтканча «изхори фазл» қилайлик: «шунгия чиқди» деган сўз озчиликка айтиладир, аммо «шунгия бости» сўзи галабаликка дейиладир. Масалан: «шунгия чиқкан эди» (битта-ярим) «палакни бости» (чиқачика кўпайиб) шунга ўхшаш «ёв келди» (уришмокчи ёки уришиб турибдир) «ёв бости» (ёв кучайиб бости, қутулишга чора қолмади) бўладир. Демак, сиз мени айткан «чиқди» сўзини қабул қилмай туриб «бости»ни ўзлаштиролмайсиз. Бу бурма бичигингиз ҳам ўзингизга тан бўлсин!

Гози ўрток! Агар даъвоингиз сиёсий саводлилиқ бўлса жавоб берингизчи: шўролар ҳуқумати ва фирқанинг шарқда туткан сиёсати билан ички русиядаги сиёсати орасида фарқ борми, йўқми? Русия ишчи-деҳқонлари орасида юргизилган бир кампания бизнинг Ўзбекистонда ҳам ўтказиладими, йўқми? Истиснолар, фалонлар?(Албатта фарқ бор эди. Болшевиқизм гоёси миллатни, динни, маҳаллий шарт-шароитни тан) Бас, сиз билан мен ишчи — деҳқон ходими бўлатуриб, нега валинеъматимизга(Валинеъмат — бу ерда Сталин назарда тутиляпти.) оёқ хизмати(Оёқ хизмати — чалмок, тўсик бўлмок.) ўтаймиз?

Бултур, Масковдаги собиқ «Бухоро билим юрти»да ўрток Исталин отига «қулуб» очилатурган бўлиб расми қушодга(Расми қушод — очилиш маросими.) ҳалиги ўрток билан Калинин бўбой (Калинин М. И. — СССР МИК раиси.) таклиф қилинган эдилар. Мажлиска Масков ўқугучиларимизнинг кўблари иштирок қилиб, ўрток Калинин раислик этди ва ярим соатлик насихатомуз нутқида «Масковга маърифат истаб келган сиз мазлум шарқнинг деҳқон болалари биринчи галда билим олмокка, ундан сўнг шу олган

билимингизни ўзингиз тугилиб ўскан ердаги онгсиз, мазлум, динда мутаассиб (Мутаассиб — динга кўр-кўрона берилувчи, фанат.) ишчи-дехконларингизга силликлик билан юкдиришка ҳаракат килингиз. Русия шароитидан тамоман бошқа бўлган бир муҳитда жуда нозик масъулиятни ўтагучи қахрамонлар эканингизни унутмангиз!» деди. Бу улуг раҳбар Шаркка келмай туриб мундаги таассуб билан гойибона ҳисоблашар, биз шогирдларига энг маъқул ва ҳассос(Ҳассос — сезгир.) васиятини сўзлар эди. Бу васият умуман Шарк халқларида кўрилган ҳалиги хусусиятни яхши билганликдан ва мавзў ниҳоятда эҳтиёткор иш кўришни талаб қилганликдан сўзланар эди. Агар бизнинг кўхна адибимиз бўлган Гози катта раҳбарнинг ҳалиги васиятига қулоқ солмаганда ҳам ўткан йиллардагина номозини ўқуб, рўзасини тутиб юргучи ва матбуот орқалик ҳамду-наът таркатқучи — ўзидан ўрнат олса «салласига яраша акли ҳам бор экан», деб катта-кичик баракалла ўқур эди.

Раҳбарнинг сўзи: Русия шароити бошқа, сизники бошқа бўлиб турган бир замонда икки асрлик маданият эгаси «Безбожник»ка(«Безбожник» — 1922—41 йилларда Москвада чиккан «Худосизлар» атеистик газетаси ва 1925—41 йилларда чиккан журнали, бу ерда Русияда матбуотнинг пайдо бўлган вақти назарда тутиляпти.) таклид қилиш «бутим йиртилиб ўламан» дейишдир. Йигирма беш йиллик тажриба эгаси ва элли йиллик маданият соҳиби бўлган «Мулла Насриддин»(«Мулла Насриддин» — 1907—1932 йилларда Озарбайжонда чиккан сатирик журнал. Кейинчалик «Кирпи» деб номланган.) тўғрисида маним фикримни сўраш, яна руҳсат бермасангиз ҳам ҳамокатдир. Ўзим кўрмаган, билмаган ношно бир ўлканинг чўпига ҳам кўр-кўрона такдиддан ҳазар қиламан, ўрток!

Жулқунбой,
«Кизил Ўзбекистон» — 1925 йил, 25 август.